

Намоз бузуқлик ва ёмонликдан қайтаради



10:32 / 01.12.2021 2719

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **«Албатта, намоз бузуқлик ва ёмонликдан қайтаради»** (Анкабут сураси, 45-оят).

Бузуқлик - хунук амалларга қўл уришдир. Масалан, зино каби. Ёмонлик - шариат ва ақл ёмон санаган ишдир. («Тафсири Насафий» китобида келган, 2/678).

Инсоннинг намоз билан аввалбошдан машғул бўлиши уни бузуқ ва ёмон ишларга қўл уришидан ман қилади. Намоз улардан тийилиш учун асосий сабабдир. Чунки, намоз Аллоҳ таолога муножот, яъни ёлворишдир. Бу эса, У Зотнинг тоат-ибодатига тўлалигича юзланиш ва Унга маъсият қилишдан буткул юз буришдан иборатдир. («Тафсири Абу Саъуд» китобида келган, 7/42).

Ким намозга тўла риоя қиладиган бўлса, бу амали уни бир кун келиб ёмонликлардан халос бўлишига олиб келади. (*«Тафсири Насафий» китобида келган, 2/678*).

Имом Абу Олия айтадилар: «Албатта, намознинг уч дўсти бор. Қайси намозда ушбу уч дўст топилмас экан, унинг маъноси қолмайди. Улар: ихлос, хавф ва Аллоҳнинг зикридир. Ихлос - яхшиликка буюради, хавф - ёмонликдан қайтаради ва Аллоҳнинг зикри Қуръонга - буюради ҳам, қайтаради ҳам». (*«Тафсири ибн Абу Ҳотим» китобида келган, 9/3099*).

Ҳар қайси ҳолатда ҳам, намозларнинг риоясини қилувчи киши намозларга бепарво кишидан кўра бузуқлик ва ёмонликдан йироқ бўлади. Шунингдек, намозхонлар ичида ўқиган намозлари уларни бузуқлик ва ёмонликдан қайтармаётганини кўрамиз. Бу эса, намозхонлардан ҳеч бири муаммосидан халос бўла олмайди, деган маънони тақозо қилмайди. (*«Тафсири Замахшарий» китобида келган, 3/456*).

Бунинг бирдан-бир сабаби кишининг намозини буюрилгандек кўринишда адо қилмаслигидир.

Намоз - уни ҳақиқатда адо қилган ва унинг буйруқларига амал қилишда нафсига қарши курашган кишига бузуқлик ва ёмонликни тарк қилиши учун энг афзал василадир. Бироқ, намоз - уни дунёда риё ва нифоқ учун васила қилган кишининг зарарига хужжат бўлади ва охиратга эмас, дунёга васила қилгани учун маъсияти, гуноҳи, ва Аллоҳдан бўлган узоқлигини яна ҳам зиёда қилади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Кимнинг намози уни бузуқлик ва ёмонликдан қайтармаса, унинг Аллоҳдан фақат узоқлашгани қолади»**. (*«Мўъжамул кабир» 11/150 ва «Муснади Шиҳоб» 1/605 китобларида келган*).

Ким намоздан тарбия олишдан бебаҳра қолса, тутган йўлининг тўғри бўлишига, хулқлари ва қиладиган ишларида мўътадил бўлишига эришиши қийинлашади. Чунки, намоз нафсда кишини яхшиликлар томон етаклайдиган ва ёмонлик ва пасткашликлардан узоқлаштирадиган қувватни пайдо қилади. (*«Сиррун нажоҳ» китобида келган, 12-бет*).

Шайх Салоҳ Абулҳож ҳафизаҳуллоҳнинг

«Қалбни суғорган ҳикмат зилоли» китобидан.

